



**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ:
МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ ОМИЛЛАР**

**II-ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
ДАСТУРИ**

**2020 йил 16-17 октябрь
Самарқанд, Ўзбекистон**

“Food Security: National and Global Drivers”

**International Scientific and Theoretical
Conference**

16-17 October 2020

Samarkand, Uzbekistan

Самарқанд - 2020

Хамраева Д.Т., Саитжанова У.Ш. Перспективы выращивания <i>Ferula tadshikorum</i> в условиях интродукции	420
Хожиматов О. К. Современное состояние <i>Cappris spinosa</i> l. в Узбекистане	421
Худойбердиева С.Н., Авалбаев О.Н., Хайдаров Х.Қ. <i>Ferula</i> l. туркуми турлари уругининг унувчанлиги	424
Хўжамова Г.Х., Аҳмедов С.И., Умурзоқова У.Э. Зараркунандаларга қарши курашда фитоинсектицидлардан фойдаланиш	427
А.Н. Хужанов, З.З. Қосимов <i>H.maracandicum</i> захиралари ва ва муҳофаза қилиш чоралари	429
Х.Хурсанов, Э.Умурзаков Ғўза тунлами микдорини аттрактантлар ёрдамида бошқариш	431
Хусайнова М.А., Нуруллаева Н.С., Хайдаров Х.К. Ядовитие оранжерейные растения Самгу	433
В.К. Шарипова Анатомическое строение черешочка листа некоторых видов рода <i>Ferula</i> L	436
Шерназаров Ш.Ш., Ташпулатов Й.Ш., Дустов Б.С., Қобулова Б.Б. Қорасув сув омбори альгофлорасининг шаклланиши ва уни балиқлар озикланишидаги аҳамияти	438
Э.У. Умурзоков, А.Р. Рахимов, Л.Б. Халмирзаева Унаби пашшасига қарши кимёвий воситаларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги	440
А.Х. Эшонкулов, Ҳ.Қ. Эсанов Бухоро анъанавий таомларидаги баъзи табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар	442
М. Юнусов, Ф. Хабибуллаев. Зараркунандалардан химоялашни зарарсиз усуллари	445
Nurullayeva N.S., Safarova D.M., Rasulov S.Q., Importance of the genus <i>Lycium</i> l. species	447
O.G'. Xurrtmov, B.S. Islomov SHirinmiya o'simligining ba'zi biologik xususiyatlari	448
А.А.Абдуразаков, Ю.Ш. Ғаффоров Ўзбекистонда тарқалган доривор зирк (<i>Berberis</i> spp.) ўсимлик турларининг микобиотаси	450
Хусайнова М.А., Хайдаров Х.К. Полезные свойства барбариса	452
Аҳмедов А.К., Номозова З.Б., Хасанов М.А., Расулова З.А. Морфология цветка некоторых видов рода <i>lagochilus</i>	454
Исматова З. А. Сангзор дарёси альгофлорасининг ҳозирги ҳолати	457
Исматова З. А. Сангзор дарёсида аниқланган кўк-яшил сувўтлари	459
Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Юлдашов Л.Т. Фермер хўжалиқларида микроскопик сувўтлардан фойдаланишнинг амалий аҳамияти	461
А. Норкулов, А.Р. Анорбаев, А.М. Худойкулов Тупрок ости зараркунандаларининг қишлоқ олди популяцияси зичлигини аниқлаш	463
¹ Г.К. Норимова, ² Ю.Ш.Ғаффоров Зарафшон миллий табиат боғи юксак ўсимликлари айрим микромицетлари	465
И.У. Мукумов, Ш.Ф.Шакирова, М.Нурмуратова. Род <i>delphinium</i> l. (живокость) во флоре самаркандской области	466
И.У. Мукумов Род <i>ereturus</i> m.bieb. (эремурус) во флоре самаркандской области	468
И.У.Мукумов, Х.Жалов Род <i>glaucium</i> adans. во флоре самаркандской области	470
Д.И. Сотиболдиева Определение характерных диагностических признаков корневища <i>circumalonga</i> в условиях узбекистана	472
И.У. Мукумов, З.А. Расулова Род <i>pulicariagaerth</i> . (блошница) во флоре самаркандской области	475
Вахабова Н.А, Кан С.В Перспективы использования культуры тканей in-vitro вида <i>sarparisspinosa</i> для получения биологически активных веществ	477
И.У. Мукумов, Ф. Баходиров Вегетативное размножение тисс ягодный (<i>taxusbaccatal.</i>) в закрытом грунте	480

Хулоса қилиб, шуни айтиш керакки, Сангзор дарёсида тарқалган кўк-яшил сувўтлари бўлими 2 синф, 4 тартиб, 9 оила, 17 туркумга хос 56 та тур ва тур хилларидан иборат. Бу бўлим иккита синфлардан иборат бўлиб, Chroococcophyceae синфи 35 та, Hormogoniophyceae синфи эса 21 та турни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Великанов Л.Л. Тубан ўсимликлар. Университетнинг талабалари учун дарслик. – Тошкент, 1995. – 392б.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МИКРОСКОПИК СУВЎТЛАРДАН Фойдаланишнинг амалий аҳамияти

**Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Юлдашов Л.Т.
Бухоро давлат университети**

Республика ҳудуди иссиқ иқлимли бўлганлиги сабабли, сув ҳавзаларида ҳамда нам бўлган тупроқларда микроскопик сувўтларнинг турлари кўп учрайди, айниқса кўк- яшил, яшил, диатом ва эвгленалар ва бошқалар. Улар фотоавтотроф организмлар бўлганлиги сабабли, асосий озиқаси минерал моддалар ҳисобланади. Шу сабабли, сув ҳавзаларида фаоллик билан ривожланиб катта миқдорда биомасса ҳосил қилади.

Бимассаларнинг таркиби ҳар хил физиологик фаол моддаларга бой бўлганлиги сабабли халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Айниқса яшил сувўт турларидан хлорелла (*Chlorella*) ва сценедесмуслар (*Scenedesmus*) хужайралари таркибида 45-50 % оқсиллар, 20-25% углеводлар, 5-10% ёғлар ва 10 га яқин витамин, фермент, антибиотик ва гормонлар бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш мумкин.

Сувўтларнинг кўпчилик вакиллари биологик индикатор вазифасини ҳам бажаради. Ифлосланган оқава сувларда сувўтлари кўп миқдорда ривожланиши натижасида сувни эркин кислород билан бойитиб, уни тозаланишини тезлаштиради. Оқава сувда эриган кислороднинг миқдори 1 литр сувда 0 дан 10,7 м/г гача кўпайиши кузатилган. Кислороднинг биокимёвий сарфланиши, оксидланиши камаяди. Азотли бирикмалар: аммиак, нитрит ва нитратлар сувўтлари томонидан ўзлаштирилади. Улар оқава сувларнинг бадбўй ҳидини йўқотади ва рангини тиниқлаштиради, сувдаги патоген ва сапрофит бактериялар хужайраларининг ривожланишини камайтиради. Сувўтлар сувни 70-75% гача тозалайди. Шу билан бир қаторда, сувўтлар саноат чиқиндилари чиқариб ташланган ерларнинг экин экишга қанчалик яроқлилигини аниқлашда ҳам биоиндикатор сифатида фойдаланилади. Заҳарли моддалар (гербицитлар) ишлатилгандан сўнг, ерларнинг яроқлилигини билишда ҳам сувўтлар муҳим индикаторлик вазифасини бажаради.

Сувўтлардан органик ўғит сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Пахта ва шоли уруғлари экишдан олдин сувўтларнинг суспензияси билан намлаб экилганда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги пахтада 2,5-3 ц га, шолида эса 5-6 ц га ошганлиги кузатилган. Сувўтлардан айниқса, кўк-яшил сувўтларида кўплаб А, Е ва В гуруҳига кирувчи витаминлар мавжуд бўлиб, В 12 витаминни фақат сувўтларидан Спирулина-Спирулина синтез қилиши аниқланган. Булардан ташқари фитогормонларга ва азотли бирикмаларга бой бўлиб, улар нафақат ҳайвон организмига, балки инсонлар учун ҳам керакли ҳисобланади.

Бухоро давлат университетиди яшил сувўтлар турларидан хлорелла ва сценедесмус хужайраларининг алгологик тоза штаммлари ажратилиб, оқова сувларни тозалашда, чорвачилиқда, балиқчиликда, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларида фойдаланилмоқда. Бухоро вилоятида балиқчиликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун, керакли озика билан таъминланиши зарур. Ушбу балиқлардан оқ амур ва оқ дўнг пешоналар ўтхўрдирлар. Оқ дўнг пешонанинг асосий озикаси микроскопик сувўтлари фитопланктонлардир. Балиқчилик ҳовузлида фито-планктонларни кўпайтириш мақсадида минерал тузлар ҳамда органик ўғитлар берилади. Органик ўғитлар асосан гўнг, компост, парранда ахлатларидир. Органик ўғитлар ҳовузларга юборилганда, сувнинг таркибида органик моддалар кўпайиб озик моддалар концентрациясининг ортишига сув ҳавзасидаги биологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Дастлаб сув ҳавзасида микроскопик сувўтлари тез кўпая бошлайди. Озиқнинг мўл бўлиши сувўтлари билан озикланадиган планктон қисқичбақалар сонининг ортишига ва шунингдек, ҳар хил бактериялар, вируслар ва замбуруғлар ривожланишига ва бу эса балиқларда қизилча ва бронхиомикоз касалликларини содир бўлишига сабаб бўлади. Натижада, планктонхўр балиқлар ва бошқа ҳайвонларнинг кўпайишига имкон беради. Бироқ сувдаги кислород заҳирасининг тез камайиши, кўп миқдорда организмлар қолдиғининг чириши натижасида заҳарли сераводород газининг тўпланиши, организмларнинг ёппасига қирилиб кетишига олиб келади. Сув ҳавзаси тирик организмлар яшаши учун яроқсиз бўлиб қолади. Шу мақсадда сувўтлардан фойдаланиш сув ҳавзасидаги биологик мувозанатнинг нормага қайтишига сабаб бўлади.

Балиқчилик хўжалиқларида асосан уч хил балиқлар сунъий равишда кўпайтирилади. Шулардан оқ дўнг пешона балиғи кўк - яшил сувўтлари хужайралари жуда ҳам майда ҳамда физиологик фаол моддаларга бой бўлганлиги боис асосий озикаси ҳисобланади. Оқ дўнг пешона балиғининг маҳсулдорлигини ошириш учун, унинг махсус озикаси бўлган яши сувўтлар турларида хлорелла ва сценеде смусларни ҳовузларда кўпайтириш зарур. Бунинг учун махсус шиша идишларда ва установкаларда хлорелла ва сценедесмуслар кўпайтирилади. Уларни кўпайтириш учун озикавий муҳит “04” ёки гўнг шарбати бериб, хужайра сони 1 млдан 25-30 млн бўлганда ҳовузга юборилади. Балиқчилик ҳовузлида яшил сувўтларикўпайганда оқ дўнгпешонанинг маҳсулдорлигини ошириш билан фотосинтез жараёнида сувни кислород билан

бойитиб, органик моддаларнинг тезлик билан парчаланишга ҳамда касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг йўқолишига сабабчи бўлади. Яшил сувўтлари вакиллари Бухоро давлат университетининг биология кафедрасида ҳам мавжуд бўлиб, тадқиқотлар олиб боришда фойдаланилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эргашев А.Э. Флора водорослей коллекторно-дренажной сети голодной степи.//Фан. Ташкент 1968 г. 252-с
2. Милоградова Е.И., Музафаров А.М. Массовое культивирование хлореллы в Узбекистане и использование ее в народном хозяйстве. О производственной культур одноклеточных водорослей. Ташкент 1966 г
3. Эргашев А.Э. Видовой состав флоры водорослей водоемов Голодной степи. Водоросли водоемов Узбекистана.//Фан Ташкент 1969г 32-144 с

ТУПРОҚ ОСТИ ЗАРАКУНАНДАЛАРИНИНГ ҚИШЛОВ ОЛДИ ПОПУЛЯЦИЯСИ ЗИЧЛИГИНИ АНИҚЛАШ

А.Норкулов, А.Р. Анорбаев, А.М. Худойкулов
Тошкент далаг аграр университети

Мавзунинг дозарблиги. Дуккакли - дон ва такрорий экилган сабзавот ва картошка экинларининг тупроқ ости зараркунандаларини зарарли таъсири туфайли 15-20% ҳосилдорлик йўқотилмоқда. Ушбу зараркунандалардан кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff), ундов тунлами (*Agrotis exclamationis* L), симкуртлар ва сохта симкуртлар (*Elateridae*), бўзқоқбоши қўнғизлардан, март бузоқ бошиси (*Melolontha afflicta* Ball), зарарли бўзқоқ боши (*Polyphilla adspersa* Motsch), май хрушлари (*Melolontha melolontha*, *M. hypocaustani*) асосий ва такрорий экилган қишлоқ хўжалик экинларининг илдизи, пояси ва барглари кечириб, ҳосилдорликка сезиларли даражада зарар келтирмоқда. Ушбу тупроқ ости зараркунандаларининг аксариятининг вегетация даври бир-неча йилгача давом этганлиги сабабли, тупроққа мустаҳкам ўрнашиб олаётганлиги, бу эса алмашлаб экилган экинларнинг ниҳолларини 25-30% гача, зарарлашига асосий омил бўлмоқда [3;52-53-б.].

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Даладаги тунламларнинг қишлаб чиқиши учун куздаги тайёргарлик жараёни катта аҳамиятли эканлиги, қулай об-ҳаво бўлган йилларда зараркунандалар қишловдан кўпроқ ва эрта чиқиб, зарари катта бўлиши қайд этилган. Тунламларнинг жумладан, назоратга олинган турларнинг куз ойларида қишловга кетиши август ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб тўпланган фойдали ҳарорат миқдори аҳамиятли эканлиги аниқланган [1;28-33-б.].

Тадқиқотнинг мақсади. Шу мақсадда ғалладан кейинги такрорий экилган картошкани, тупроқ ости зараркунандалари, учраш даражаси, қишлаб босқичлари, биологик кўрсаткичларини аниқлаш ва зичлигини баҳолаш